

Ўзбекистон Республикасида демографик ҳолат

2025 йил январь-декабрь ойлари учун

- I. Асосий демографик кўрсаткичлар
- II. Доимий аҳоли сони
- III. Туғилганлар ва вафот этганлар
- IV. Никоҳлар ва никоҳдан ажралишлар
- V. Аҳоли миграцияси
- VI. Демографик кўрсаткичларнинг услубий тушунтиришлари
ва метамаълумотлари

I. Асосий демографик кўрсаткичлар

2026 йилнинг 1 январь ҳолатига Ўзбекистон Республикасининг доимий аҳолиси сони **38 236,7** минг кишини ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **1,8** фоизга кўпайган. 2025 йил январь-декабрь ойларида туғилганлар сони **879,6** минг нафарни, вафот этганлар **177,1** минг нафарни ташкил этиб, табиий ўсиш **702,5** минг кишига тенг бўлди. Мамлакатимизга хорижий давлатлардан кўчиб келганлар сони **1 159** кишини ва мамлакатдан хорижга кўчиб кетганлар сони **10 117** кишини, қайд этилган никоҳлар **267,1** мингтани, никоҳдан ажралишлар **46,9** мингтани ташкил этган.

Доимий аҳоли сони

38 236,7 минг киши

Туғилганлар сони

879,6 минг киши

Вафот этганлар сони

177,1 минг киши

Хориждан кўчиб келганлар

1 159 киши

Хорижга кўчиб кетганлар

10 117 киши

Никоҳлар сони

267,1 минг бирлик

Никоҳдан ажралишлар сони

46,9 минг бирлик

II. Доимий аҳоли сони


Ўзбекистон Республикасида доимий аҳоли сони 2026 йил 1 январь ҳолатига кўра, **38 236,7** минг кишини ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **693,5** минг кишига ёки **1,8** фоизга кўпайди. Доимий яшаш ҳудуди бўйича шаҳар жойларда **19 471,7** минг киши (жами аҳоли сонига нисбатан **50,9%**), қишлоқ жойларда эса **18 765,0** минг киши (**49,1%**) истиқомат қилмоқда. Аёллар сони **18 979,0** минг кишини (**49,6%**), эркаклар эса **19 257,7** минг кишини (**50,4%**) ташкил этмоқда.

Доимий аҳоли сони, минг киши

	2025 йил	2026 йил	Ўсиш суръати, % да
Ўзбекистон Республикаси	37 543,2	38 236,7	101,8
Қорақалпоғистон Республикаси	2 029,7	2 053,2	101,2
<i>вилоятлар:</i>			
Андижон	3 461,0	3 521,8	101,8
Бухоро	2 077,0	2 107,0	101,4
Жиззах	1 537,6	1 566,9	101,9
Қашқадарё	3 639,3	3 717,0	102,1
Навоий	1 094,7	1 111,9	101,6
Наманган	3 131,7	3 190,8	101,9
Самарқанд	4 297,5	4 379,8	101,9
Сурхондарё	2 945,5	3 011,0	102,2
Сирдарё	930,8	946,3	101,7
Тошкент	3 108,5	3 160,7	101,7
Фарғона	4 144,7	4 223,0	101,9
Хоразм	2 032,4	2 069,2	101,8
Тошкент ш.	3 112,8	3 178,1	102,1

Ўзбекистон Республикасида 2026 йил 1 январь ҳолатига кўра, 1 квадрат километрга ўртача **85,2** киши тўғри келган. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **1,6** кишига ортган (2025 йил 1 январь ҳолатига 1 кв. км га **83,6** киши).

Аҳоли зичлиги, 1 кв. км га тўғри келадиган аҳоли сони



Мавзу бўйича кўрсаткичлар:

[Доимий аҳоли сони \(жами, чораклик\)](#)

[Доимий аҳоли сони \(аёл, чораклик\)](#)

[Доимий аҳоли сони \(эркак, чораклик\)](#)

[Доимий аҳоли сони \(шаҳар, чораклик\)](#)

[Доимий аҳоли сони \(қишлоқ, чораклик\)](#)


[Аҳоли зичлиги \(жами, чораклик\)](#)

III. Туғилганлар ва вафот этганлар

Мамлакатимизда 2025 йилнинг январь-декабрь ойларида қайд этилган тирик туғилганлар сони **879,6** минг нафарни, ҳар минг аҳолига нисбатан туғилиш коэффициенти **23,2** промиллени ташкил этди. Туғилганлар сони 2025 йилнинг январь-декабрь ойларида 2024 йилнинг мос даврига нисбатан **46,8** минг нафарга камайган.

Вафот этганлар сони **177,1** минг кишини, ҳар минг аҳолига нисбатан ўлим коэффициенти **4,7** промиллени ташкил этди. Вафот этганлар сони 2025 йилнинг январь-декабрь ойларида 2024 йилнинг мос даврига нисбатан **2,7** минг нафарга кўпайган.


Туғилганлар ва вафот этганлар сони, минг киши



Республикада тирик туғилганлар сони **879,6** минг кишини, шундан ўғил болалар сони **454,7** минг (жами туғилганлар сонига нисбатан **51,7%**), қиз болалар сони **424,9** минг (**48,3%**) ва шаҳар жойларида **419,5** минг (**47,7%**), қишлоқ жойларида **460,1** минг кишини (**52,3%**) ташкил этди.

Республикада вафот этганлар сони **177,1** минг кишини ташкил этди шундан эркаклар **97,5** минг (жами вафот этганлар сонига нисбатан **55,1%**), аёллар **79,6** минг (**44,9%**) ва шаҳар жойларида **95,7** минг (**54,1%**), қишлоқ жойларида **81,4** минг кишини (**45,9%**) ташкил қилди.

Туғилганлар ва вафот этганларнинг жинслари бўйича тақсимланиши, минг киши



Мавзу бўйича кўрсаткичлар:

[Туғилганлар сони \(жами, чораклик\)](#)

[Туғилганлар сони \(қиз болалар, чораклик\)](#)

[Туғилганлар сони \(ўғил болалар, чораклик\)](#)

[Вафот этганлар сони \(жами, чораклик\)](#)


[Вафот этганларнинг асосий ўлим сабаблари \(жами, чораклик\)](#)

IV. Никоҳлар ва никоҳдан ажралишлар

Мамлакатимизда 2025 йилнинг январь-декабрь ойларида қайд этилган никоҳлар сони **267,1** минг бирлик, ҳар минг аҳолига никоҳ коэффиценти **7,1** промиллени ташкил этди. Никоҳлар сони 2025 йилнинг январь-декабрь ойларида 2024 йилнинг мос даврига нисбатан **4,7** минг бирликка камайган.

Никоҳдан ажралишлар сони **46,9** минг бирлик, ҳар минг аҳолига нисбатан ажралиш коэффиценти **1,2** промиллени ташкил этди. Ажралишлар сони 2025 йилнинг январь-декабрь ойларида 2024 йилнинг мос даврига нисбатан **1,8** минг бирликка кўпайган.


Қайд этилган никоҳлар ва никоҳдан ажралишлар сони, минг бирлик



Республикада қайд этилган никоҳлар сони **267,1** минг бирликни, шундан шаҳар жойларида **132,6** минг бирликни (**49,7%**), қишлоқ жойларида **134,5** минг бирликни (**50,3%**) ташкил этди.

Республикада никоҳдан ажралишлар сони **46,9** минг бирликни, шундан шаҳар жойларида **28,2** минг бирликни (**60,1%**), қишлоқ жойларида **18,7** минг бирликни (**39,9%**) ташкил қилди.

Қайд этилган никоҳлар ва никоҳдан ажралишларнинг шаҳар ва қишлоқ жойлар бўйича тақсимланиши, минг бирлик



Мавзу бўйича кўрсаткичлар:

[Тўзилган никоҳлар сони \(жами, чораклик\)](#)

[Тўзилган никоҳлар сони \(шаҳар, чораклик\)](#)

[Тўзилган никоҳлар сони \(қишлоқ, чораклик\)](#)

[Никоҳдан ажралишлар сони \(жами, чораклик\)](#)

[Никоҳдан ажралишлар сони \(шаҳар, чораклик\)](#)

[Никоҳдан ажралишлар сони \(қишлоқ, чораклик\)](#)

V. Аҳоли миграцияси


2025 йил январь-декабрь ойларида республика бўйича кўчиб келганларнинг жами сони **252 792** кишини, шу жумладан республиканинг бошқа ҳудудларидан кўчиб келганлар **251 633** кишини, хорижий мамлакатлардан кўчиб келганлар **1 159** кишини ташкил этди.

Кўчиб кетганларнинг жами сони **261 750** кишини, шу жумладан республиканинг бошқа ҳудудларига кўчиб кетганлар **251 633** кишини, хорижий мамлакатларга кўчиб кетганлар **10 117** кишини ташкил қилди.

Кўчиб келганлар ва кўчиб кетганлар сони, киши

	Кўчиб келганлар сони			Кўчиб кетганлар сони		
	Жами	шундан:		Жами	шундан:	
		ички	ташқи		ички	ташқи
Ўзбекистон Республикаси	252 792	251 633	1 159	261 750	251 633	10 117
Қорақалпоғистон Республикаси	13 200	13 099	101	18 622	15 090	3 532
вилоятлар:						
Андижон	7 897	7 897	0	9 782	9 724	58
Бухоро	9 916	9 905	11	14 166	14 032	134
Жиззах	8 172	8 160	12	9 933	9 833	100
Қашқадарё	11 973	11 971	2	18 361	18 347	14
Навоий	14 284	14 272	12	16 437	14 527	1 910
Наманган	2 910	2 909	1	5 126	5 096	30
Самарқанд	13 708	13 706	2	17 975	17 866	109
Сурхондарё	10 832	10 832	0	14 383	14 358	25
Сирдарё	6 970	6 946	24	7 934	7 822	112
Тошкент	31 176	30 901	275	26 295	23 813	2 482
Фарғона	15 336	15 322	14	16 569	16 489	80
Хоразм	16 132	16 125	7	15 885	15 789	96
Тошкент ш.	90 286	89 588	698	70 282	68 847	1 435

Хориждан кўчиб келганлар ва хорижга кўчиб кетганлар сони, киши



Мавзу бўйича кўрсаткичлар:

[Кўчиб келганлар сони \(жами, чораклик\)](#)

[Кўчиб кетганлар сони \(жами, чораклик\)](#)

VI. Демографик кўрсаткичларнинг услубий тушунтиришлари ва метамаълумотлари

Демографик кўрсаткичларни шакллантириш мақсадида, Миллий статистика қўмитаси билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Ички ишлар вазирлиги ўртасида маълумотлар электрон алмашинуви йўлга қўйилган ва ушбу вазирликларнинг бирламчи маълумотлар базалари интеграция қилинган.

Демографик кўрсаткичларни шакллантириш учун зарур бўлган барча маълумотлар интеграция орқали электрон шаклда олиниши сабабли, алоҳида статистика кузатуви шакли тасдиқланмаган.

Демографик кўрсаткичларни тавсифловчи маълумотларни шакллантириш мақсадида, статистика органлари томонидан бошқа давлат органлари (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Ички ишлар вазирлиги)дан олинган аҳолининг табиий ҳаракати ва аҳоли миграцияси тўғрисидаги бирламчи маълумотлар қайта ишланади.

Демографик кўрсаткичлар бўйича статистик маълумотлар қуйидагилар асосида шакллантирилади:

- туғилганлик ҳақида далолатнома ёзуви;
- ўлим ҳақида далолатнома ёзуви;
- никоҳ тузилганлиги ҳақида далолатнома ёзуви;
- никоҳдан ажралганлик ҳақида далолатнома ёзуви;
- кўчиб келишни статистик ҳисобга олиш варақаси;
- кўчиб кетишни статистик ҳисобга олиш варақаси маълумотлари.

Фойдали ҳаволалар

[Асосий демографик кўрсаткичларни шакллантиришда фуқаролик ҳолати далолатномалари ва статистик ҳисоб талонлари маълумотномаларини кодлаштириш бўйича қўлланма](#)
[Асосий демографик кўрсаткичларни шакллантириш бўйича услубий низом](#)

Тайёрлаш учун масъул:
Демография, меҳнат ва гендер
статистикаси бошқармаси

Манзил: 100170, Тошкент,
Мустақиллик шоҳ кўчаси, 63

Электрон почта: info@stat.uz

Тел.: 71-203-80-00 (1240, 1241)

Манзил:

